# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2005-yil, 28-yanvar • № 5 (3782)


## УМИД ВА ИФТИХОР

Олий Мажлисимизнинг Қонунчилик палатаси ва Сенати куни кеча ўзининг илк мажлисларини ўтказди. Сенат ва сенатор деган янги сўзлар эса бисотимиздан муносиб жой олди. Олий Мажлис Сенати пойтахтимизнинг бош майдонида ўзининг янгидан барпо этилган муҳташам биносига ҳам эга бўлди.

Сиртдан қараганда, бу воқеалар шиддаткор замонамиз учун анчайин оддий туюлса-да, амалда икки палатали парламент қонунчилик тажрибаларида, демократик давлатчилик тизимларини такомиллаштиришда беқиёс аҳамиятга эга. Албатта, моҳият эътибори билан икки палатали парламент Қонунчилик палатаси депутатларию ҳурматли сенаторларга янада катта масъулиятлар юклайди.

Бу масъулият, аввало, ҳаётга йўлланма олаётган янги қонунларнинг нечоғли ҳаётийлигини таъминлай олишда кўринади. Модомики, у ёки бу қонун қабул қилинар экан, ундан кўзланган асосий мақсадга етишмоқ бош масала бўлмоғи керак: қонун ҳаётда ишласин, самара берсин. Мамлакат нуфузини оширсин, одамлар белига қувват, кўзига нур, қалбига фахр-ифтихор бахш этсин. Ундан ҳамма манфаат кўрсин. Келажакдаги ойдин йўлимиз — буюк давлат қуриш ишига янги парламент қабул қилажак қонунлар муносиб пойдевор бўлсин.

Биз ойнаи жаҳон орқали Олий Мажлисимиз Сенати ва Қонунчилик палатаси йиғилишларини кузатар эканмиз, ўзимиз овоз берган муҳтарам сенаторларимиз ва депутатларимизнинг қувноқ чеҳраларига боқар эканмиз, аввало мана шу ўй хаёлимиздан кечади. Беихтиёр уларнинг ғоят тарихий ва айни чоғда улуғ миллатимиз, заҳматкаш халқимиз истиқболининг бунёдкори сифатидаги, элимиз орзу-умидларини рўёбга чиқарувчи улуғ инсонлар сифатидаги тарихий миссияларини ҳам заррача эътибордан соқит қилмаймиз. Уларнинг ишчанлик ва донолик балқиб турган кўзларига умид ва ифтихор билан боққимиз келади. Негаки, мамлакатимиз, миллатимиз, буюк давлатимизнинг истиқболи, элимизнинг фаровонлиги, халқимизнинг буюк салтанатлар қурган улуғ боболар олдидаги юзи ёруғлиги уларга — депутатлар, сенаторларнинг нечоғлик ўз ишига моҳирлиги, халқ қалбидаги эҳтиёжларни англай олиши, Ватан туйғусини қай даражада идрок этиши, фидокорлигига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Бундай улуғ мақсадлар йўлида муҳтарам сенаторларимиз ва депутатларимизга ойдин йўл тилаймиз.

*Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан*

## «ОНА ЗАМИНИМСАН, АЪЛО АРШИМСАН»

Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Ориповнинг ушбу мисраси бу йил ўзининг 2700 йиллигини нишонлашга тараддуд кўраётган Қарши шаҳри мадҳига битилган. Катта тўй муносабати билан бугун кўҳна Насаф улкан қурилиш майдонига айланган. Шаҳарнинг буюк соҳибқирон Амир Темур номидаги бош кўчаси бор бўйига — темирйўл шоҳбекатидан то Қашқадарё кўпригига қадар кенгайтирилиб, улкан проспектга айлантирилмоқда. Унинг икки ёнидаги хиёбонлар ва шаҳарнинг бошқа боғу боғчаларига ҳам турфа манзарали ниҳоллар, қарағай, сарв ва санобар дарахтлари экилмоқда.

Бундан ташқари, Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи қайта таъмирланиб, унинг саҳнида улкан кўллар ва фавворалар маржони вужудга келтириляпти. Шу боғга туташ маъмурий бинолар ёнидаги шаҳарнинг бош майдони қиёфаси ҳам таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган. Бу жойдаги гулзор ва хиёбонлар, фавворалар кўҳна Насафнинг катта тўйига атаб қурилаётган гўзал амфитеатрга узукка кўз қўйгандек ярашади. Амфитеатр мажмуида йирик тарих ва археология музейини ҳам жойлаштириш кўзда тутилмоқда. Унинг осори атиқалар ва ёдгорликлар мажмуасидан Насафнинг ёшини аниқлашда муҳим аҳамият касб этган Ерқўрғон, Шулликтепа, Навтак ва бошқа археологик обидалардан топилган ноёб буюмлар жой олади.

Айни чоғда шаҳар марказида йигирма минг кишилик замонавий стадиони бўлган йирик спорт мажмуи қурилиши ҳам жадал олиб борилмоқда. Стадион шундай лойиҳаланганки, унинг тепа қисмини ёзда очиб, қишда ёпиш мумкин. Шаҳарни катта тўйга атаб ободонлаштириш режаларида кўҳна обидаларни таъмирлаш, шу билан бирга Туркистон жадидларининг улуғ раҳнамоси, ўзбек миллий адабиётининг йирик намояндаларидан ҳисобланган, муфтий Маҳмудхўжа Беҳбудий номи билан аталувчи майдон бунёд этиш ҳам кўзда тутилмоқда.

**Давоми иккинчи бетда.**



Даврон АҲМАД олган сурат.

*Маслаҳатли тўй тарқамас...*

## УШАЛМАС ОРЗУМИ?

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг ҳар бир сонини ўқиб бораман. Газетанинг 2004 йил 15 октябр сонида босилган Наби Жалолиддиннинг «Байроқ» номли ҳикояси диққатимни тортди. Ота (яъни Ботирнинг отаси) болалари билан Мел Гибсон иштирок этган «Ватанпарвар» кинофилмини томоша қила туриб, Амир Темур бобомиз ҳақида олинган кинони, ундаги айнан «лой жанги» саҳнасини эслайди. «Тўртта ёки олтита одам чуқурга тушиб олиб лойга думалайверишади. Шунчалик ҳам масхарабозлик бўладими, ахир!.. Жангни мана бундай қилиб кўрсатишса бўлмайдими!..» Ҳикояни ўқиб мени бир фикр ўйга чўмдирди: Нега «ўзбек кинофилмларининг савияси» шунчалик тушиб кетди?! Нега кинорежиссёрларимиз Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Тўмарис, Широқ, Муқанна каби аждодларимизнинг чексиз жасоратларини, халқимиз тарихи, матонатини бадиий филмлар орқали кўрсатиб бериша олмайди? Сўнгги пайтда суратга олинаётган филмларнинг ҳаммасида «юлдузлар» суратга тушишган. Ҳаммаси севги-муҳаббатни тараннум этади. «Маржона», «Севинч», «Беш қисмат», «Кўзларинг маъюс», «Хавфли бурилиш», «Тақдир зарбаси», «Муҳаббат синовлари» ва ҳоказо. Кошки, бу филмлар ҳинд киноларига ўхшаб севишганларнинг изтироблари тўла очиб бера олса... Унда фақат юморга кўп эътибор берилган, юзаки, бачкана кўринишлар кўп учрайди. Кино инсонга маънавий озиқ бериши зарур эмасми? Томошабинлар бу филмларнинг қай биридан ибрат олади, сабоқ чиқаради? Бу бизга қоронғи.

Ахир «Титаник», «Узуклар қироли», «Шер юрак», «Гладиатор» каби филмлар яратиш нахотки ушалмас орзу бўлиб қолаверса?!

**Отабек РАҲМАТОВ,**
**Жаҳон тиллари университети талабаси**

*Куюнчак газетхон ёзади*

## ВЕЛОСИПЕДЛАР КЕРАК

Деярли ҳар куни машиналардан чиқаётган тутунлардаги заҳарли моддалар қонимизга сингмоқда. Одамларда қон босимининг ошиши, буйрак, жигар, юрак ва бошқа турли касалликларнинг кўпайиб бораётганлигининг боиси ҳам аслида шу. Бугун шаҳар кўчаларида машиналар кун сайин кўпайиб боряпти. Агар аҳвол шу тарзда давом этса, тез орада бизда ҳам одам бошига биттадан автомобил тўғри келиб қолади.

Афсуски, буни қувончли ҳол деб бўлмайди. Дунёнинг энг йирик ва ривожланган шаҳарлари ҳаракат воситаларининг кўплигидан турли муаммоларга дучор бўляпти. Бу муаммоларнинг энг ёмони атмосферанинг заҳарланишидир.

Шу боис, эндиликда катта шаҳарларда имкони борича автомобиллардан камроқ фойдаланиш чораларини ўйлаб кўриш вақти келмадимикин? Шаҳар ичида автобуслар ва хизмат машиналарини қолдириб, ортиқча транспортларнинг юриши тартибга солинса, мақсадга мувофиқ бўлмасмикин? Одамлар қийналиб қолмаслиги учун шаҳар ичида велосипедлар юрадиган махсус йўлкалар қуриш зарур. Шунда шаҳар ҳавосининг мусаффолиги яхши сақланади. Бу бир томондан экологик мувозанатни бузмайди, иккинчи томондан, автомобиллар билан боғлиқ нохуш ҳодисаларнинг олдини олади. Қолаверса, инсон саломатлиги учун кони фойда. Хуллас, бизга велосипедлар керак.

**Баҳром МАҲМУДОВ**

*Қарши шаҳри*

**МАДАНИЙ ҲАЁТ**

Машҳур опера хонандаси, Ўзбекитон халқ артисти Муяссар Раззоқова яқинда Москвадаги Халқаро мусиқа уйида бўлиб ўтган «Рус мусиқаси юлдузлари» халқаро фестивалида катта муваффақият билан қатнашди. Куни кеча Алишер Навоий номидаги академик катта театрда журналистлар билан бўлган ижодий учрашувда «Мен жуда ҳаяжондаман, — деди хонанда. — Бутун дунёга машхур опера хонандаси Елена Образцова билан бирга қўшиқ куйлаш насиб этди. Томошабинларнинг олқишларидан бошимиз осмонга етгандек бўлди.»

Композитор Анвар Эргашев олиб борган учрашувда Муяссар Раззоқова таниқли композиторлар ва журналистларни қизиқтирган саволларига жавоб берди.



## ТАНИШ ЧЕҲРАЛАР

Аслида, ҳақиқий санъаткор, чин истеъдод эгаси машҳур бўлади. Наинки эл-юртида, айни чоғда ўзга элларда, ўзга юртларда ҳам мухлис орттиради. Лекин «мен юлдузман» демайди, юлдузлик касалига чалинмайди. Ўзи танлаган йўлнинг не-не машаққатларини сабр-бардош билан енгиб ўтади, ижро маҳоратининг юксак чўққиларига кўтарилади. Аммо изланишдан, меҳнат қилишдан асло тўхтамайди.

Шундай етук санъаткорларимиздан бири — сиз ушбу суратда кўриб турганингиз, Ўзбекистон халқ артисти, хушовоз хонандамиз Муножот Йўлчиевадир. У ўзининг ноёб овози, хулқи-одоби, юксак муомала маданияти билан Шарқу Ғарбда баб-баробар машҳур десак, асло муболаға бўлмайди. Франция Республикасининг мамлакатимиздаги элчиларидан бири «Мен Муножот Йўлчиеванинг овозида буюк мўъжиза кўрдим», деган эди. Бу ҳазилакам эътироф эмас.

Хонанда мақтов гапларни ёқтирмайди. Ижодий кечалари сўнгида ҳашаматли концерт саройлари мухлислар олқишларидан ларзага келганида, қучоғи анвойи гуллар билан тўлганида, ҳаяжондан бироз энтикиб «Мен бу муваффақиятларга устозларим, мураббийларим туфайли эришдим...» дейди.

Бундай камтаринлик, қанийди, бошқа санъаткорларимизга ҳам юқса...

**М.АҲМЕДОВ**

*Акс-садо*

## ЯНА БИР ХАТОГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙЛИК

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига 2005 йил обуна бўлганимдан ҳозирнинг ўзидаёқ кўнглим тўлди. Айниқса, «Чойхона гурунглари», «Жаҳон адабиёти дурдоналари» рукнидаги Сомерсет Моэмнинг «Киртоғора» ҳикояси, Албер Камюнинг «Кундаликлар»и, япон шеъриятидан парчалар, «Яраланган қалб», «Қалблардан ўчмаган нур» каби мақолалар, турфа шеърлар, янги китоб ва журналлар ҳақидаги тақризларни қайта-қайта ўқиб, роҳатландим.

«Сунъий номлар, ғалат атамалар» мақоласи ("ЎзАС", 2-сон) эса кўнглимдаги айрим фикрларни ёзишимга туртки бўлди. Муаллиф тўғри таъкидлаганидек, шаҳримизда ажнабий ном олган маиший, тиббий, овқатланиш муассасалари, дўконлар «қўзиқориндек потраб кетган». Шунга ҳам «Ота гўри қозихонами?» дегувчилар топилади.

Аммо... энг ёмони фарзандларимиз, ўқувчиларимизда она тилимизга нисбатан муҳаббат ва ҳурматнинг нисбийлашиб боришида ажнабий номларнинг салбий таъсири катта бўлмоқда. Ёшлар назарида ўзбекча сўзлар жарангдор эмасмиш. Бўлмаса гўзал, серманьо исмлар, фамилияларни бузиб талаффуз қилишга, сизни ҳам шунга ундашларига нима дейсиз? Ўқувчиларимнинг биридан сўраймиз:

— Исмингиз.

— Камилла.

— Балки Комиладир?

— Йўқ, Камилла.

Ёки Машҳурани Машкура, Ферузани Фируза, Лайлони Лейла, Сайёрани Саййора, Лолани Лўла деб аташ она тилини камситиш эмасми? Русча ёзилган гувоҳномалар, қолаверса, FM тўлқинларидаги хорижий лаҳжаларда сўзлашувлар-чи? Мен она тили ва адабиётдан дарс бераман. Синф журналларига ўқувчиларнинг исм-фамилиясини ёзишда кўпинча қийналиб кетаман. Улар «ҳужжатда шундай-ку» деб исм-фамилияларини бузиб ёзадилар. Синф журналига ҳам ҳужжат асосида ёзиш керак, чунки шаҳодатнома ва ҳужжатда бир хил ёзилиши талаб этилади.

Энди ўйлаб кўринг, олий маълумотли ўқитувчи билиб туриб Адилов (Одилов), Абидов (Обидов), Артыков (Ортиқов), Агламова (Аъламова), Позилов (Фозилов), Гулямов (Ғуломов), Яров (Ёров), Кабилов (Қобилов) деб ёзишга мажбур бўлса, ўқувчиси ҳам ўзини шундай чақиришларини талаб қилса, буни қандай тушуниш керак? Бу рўйхатни истаганча давом эттириш мумкин. Натижада гўзал исм, фамилиялар жозибасини, асл маъносини йўқотган. Биз ҳам бу камчиликни тузатмай туриб, ажнабий номларга кенг йўл очиб беряпмиз. Фарзандларимизда ажнабий сўзлар ўзбекча сўзлардан гўзал эканки, Ўзбекистондаги кўпгина дўконлар, ташкилотлар шундай номланган, деган таассурот уйғонмайдими? Ёш авлод келгусида фарзандларига ўзбекча исмлар қолиб ажнабий исмлар қўйишни афзал кўриб қолмасмикан? Бунга яқин ўтмиш гувоҳ-ку!

XV асрдаёқ ҳазрат Мир Алишер Навоий ўзбек тилини бошқа тиллардан қолишмайдиган гўзал тил эканини исботлаб, «Муҳокамат ул-луғатайн» китобида биргина «йиғламоқ» сўзининг йигирмага яқин муқобилини келтирган эди. Азизлар, нафис, гўзал тилимизни улуғлашни фарзандларимизга, бинобарин, келгуси авлодларга ҳам сингдирайлик.

**Маҳмуда ВАЛИЕВА,**
**Тошкент шаҳридаги**
**274- мактаб муаллимаси**

**БИЛДИРИШ**

Шу йил 2 феврал куни соат 14.00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида «Онажоним шеърият» ижодий тўгараги буюк мутафаккир шоиримиз Мир Алишер Навоий ҳазратларининг 564 йиллиги муносабати билан «Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз», деб номланган мушоира ўтказади.

Шоир-ёзувчилар, ёш ижодкорлар, навоийшунос олимлар ва барча қизиққанлар таклиф этилади.

Манзил: Мустақиллик майдони Ж.Неру кўчаси, 1-уй.

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси**

*Муҳаррир минбари*

## МЎМИН ОТА ҲАҚ ЭКАН...

**Мўмин отани кўплар унча хушламасди. Бир вақтлар қаттиққўл раҳбар бўлган, ҳеч кимни аямаган, давлатнинг мулкига кўз олайтирган деб, анча-мунча одамга озор берган, деган гаплар юрарди. Шунинг учунми, ота ҳуда-беҳуда йиғинларга боравермас, тенгдошлари қатори чойхонада уззу-кун ёнбошлаб ётмас, зарур жойларда биров кўриниб қўяр, қисқаси бироз иймангандай ҳаёт кечирар эди.**

Отанинг бошқа бир одати бор эди. Биров халақит бермаса эртадан кечгача, тундан тонггача китоб ўқирди. Қўйнида ҳамиша читрўмолга ўралган китоб бўларди. Фалон дўконга янги китоблар келибди деса, ҳамма ишини ташлаб етиб борарди. Кўнглини топсангиз, ўқиган китобларининг роса қизиқ жойларидан гапириб берар, овозини гоҳ ингичка, гоҳ йўғон қилиб, кўз, қўл ҳаракатлари билан тушунтирарди. «Чўпон бола адашиб, қаёққа қараб юришини билмай тентираб юраверибди, юраверибди. Охири бир дарахтнинг олдидан чиқиб қолибди. Қараса, дарахт шохлари орасида бир илон вишиллаб, кўзларини чақчайтириб турганмиш...»

Давоми нима бўларкин деб, бутун вужудимиз билан тинглаб турганимизда, ота ҳикоясини шу ерда тақа-тақ тўхтатарди-да «Буёғини ўзларинг ўқиб олинглар», дерди-қўярди.

Шу отахон Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар»ини камида йигирма марта ўқиганман, дерди. Ҳайрон бўлардик, нега энди битта китобни йигирма марта ўқиш керак экан, деб. Ундан кўра йигирмата китобни бир мартадан ўқиб чиққан маъқул эмасми?! «Э, болаларим-ей, китобдаги воқеалар сенларга ўхшаб бир жойда қаққайиб турармиди, ўзгариб туради. Бир ўқиганингда қуёш чарақлаб турган бўлса, ўша жойини бошқа пайт ўқисанг ёмғир шунақа қуядики, худди дарсдан қочгандай қочиб қоласанлар. Бир ўқиганингда кулиб турган одам бошқа бир пайт йиғлаб юборади. Ана, Отабекни олайлик, йигирма марта ўқиган бўлсам, шу йигитни йигирма хил кўрдим-а. Бири иккинчисига ўхшамайди. Ўқиганинг сари Кумушбиби ҳам тобора тўлишиб, чиройи очилиб, эслихушли қиз бўлиб вояга етади. Эҳ, буни билмайсизлар-да...»

Бу гапларни эшитгандан кейин, олдин ўқиб чиққан китобларимизни яна қайтадан ўқишни бошлаймиз. Аммо бирор жойида ўзгариш сезмаймиз. Китобхон отанинг бу гапларига унча-мунча ўқитувчиларимизнинг ҳам ақли етмайди. Эътибор қилманглар, қаричилик-да, дейишиб, бизни китоб ўқишдан бошқа ишларга уннаворишади.

Бу энди ёшлик йилларимизнинг гаплари. Кейин-кейин, китоб ўқишда ўша отахон нақадар ҳақ эканлигига кўп бор ишонч ҳосил қилдим. «Ўтган кунлар»ни мактаб ёшида катталарга тақлид қилиб, талабалик йиллари домлаларимиздан «зачет» ёки баҳо олиш учун, ундан кейин — ҳаётнинг унча-мунча аччиқ-чучугини тотиб улгургач эса, кўнгил эҳтиёжи туфайли ўқишингизнинг ер билан осмонча фарқи бор экан.

Мактабда Отабек билан Кумушни ижобий, Зайнабни салбий қаҳрамон деб ўқиб кетаверганмиз. Талабалик йиллари Кумушнинг ҳусни-тароватидан кечалари уйқумиз қочган. Кейинги мутолаада эса Зайнабга ҳам ачиниб кетганмиз. Айби нима эди бу бечоранинг, деган савол вужудимизни ўртаган. Авваллари ҳамма айбни Юсуфбек ҳожига ағдариб, «Бу қанақа ота ўзи, битта ўғлини икки марта уйлантирадими?» деганмиз, Ҳасаналини «Бу чол оила ишларига нега аралашади?» дея ажабланганмиз. Кейин эса Отабек унга «ота» деб мурожаат этганида бу ўзбакона лутфдан баданимиз жимирлаб кетган...

Гап китобнинг, китоб қаҳрамонларининг ўзгаришида эмас экан. Яхши китобларни ўқиб, қайта-қайта мағзини чақиб ўзимиз ўзгариб, ўзимиз улғайиб борар эканмиз. Ҳаётни таниб, ҳаётнинг ичига кириб, ҳаётнинг мағзини чақиб борар эканмиз. Етилиб, улғайиб борар эканмиз. «Калила ва Димна»даги сичқонча — тилла соққачаларини ўйнаб юрганида қандай эди-ю, уларни йўқотиб қўйгандан кейин қандай аҳволга тушгани маъноси ошкор бўлиб бораверар экан.

Мария Стюарт, Жанна д'Арк тўғрисидаги китоблар, «Калила ва Димна», «Бошсиз чавандоз», Ойбек домланинг «Навоий» романи, Ғафур Ғуломнинг «Шум бола»си, Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикоялари, беғубор ёшлигимизнинг беғубор ҳамроҳлари бўлмиш халқ достонларини ҳам айни шундай ўқиганмиз. Бундай асарларни қанча ўқисанг яна шунча ўқигинг келади ва, энг муҳими, ҳар гал ўзинг учун янги-янги маънолар кашф этаверасан. Авваллари енгил ўтиб кетган саҳифалар, жумлалар устида узоқ вақт қолиб кетасан. Гоҳ куласан, гоҳ кўзингга ёш оласан.

Нега бу гапларни ёзаяпман?

Бугун китоб масаласида тақчиллигимиз йўқ. Аммо қайта-қайта ўқишга арзирли китоблар борми? Қайта-қайта ўқиб, мағзини қайта-қайта чақадиган, яқин дўстларингизга, фарзандларингизга, набираларингизга тавсия этадиган асарлар борми? Бор, албатта, аммо оз, жуда ҳам оз! Аксинча, шунчаки варақлаб, у ер-бу еридан чўқилаб қўйишгагина арзирли китоблар кўп. Қалин ва ялтироқ муқовада оппоқ қоғозга босиб чиқарилган, аммо ичи бўш, мағзи пуч китоблар кўп. Яширишдан нима ҳожат, йилда битта-иккита китоб, брошюра чиқариб қўйиш баъзилар учун оддий эрмакка айланиб қолди. Бу ишнинг ҳадисини олган бирор кишининг назаридан ўтмаган, дурустроқ ўқилмаган, таҳрир қилинмаган, тартиб берилмаган китоблар озайиш ўрнига кўпайиб, урчиб бормоқда. Фарзандларининг илк шеърий қораламаларини тезроқ китоб қилишга астойдил бел боғлаб, сарф-харажат қилиб елиб-югураётган ота-оналар қанча! Шундай оталардан бири «Қизимизнинг шоирчилиги бор экан, олдин билмаган эканмиз. Ҳар куни 3-4тадан шеър ёзиб турибди. Уч-тўрттадан кам ёзмагин, деб топшириқ бериб қўйганман», дейди. Истеъдодли шоир Абдулла Турдиевнинг яккаю ягона китоби шоир вафотидан кейин чиқди. Юқоридаги оталардан бирининг елиб-югуришлари натижасида ҳали мактабни тугаллаб улгурмаган сингилчамиз ҳозирнинг ўзида тўрт китобнинг муаллифи бўлиб турибди.

Ачинарлиси шундаки, бундай китобларнинг ғурбати улар босмахонадан чиққанидан кейин бошланади: сотиш керак, тарқатиш керак, қаергадир ўтказиш керак. Тақриз ёзиш керак, оқ йўл тилаш керак. «Китобчамиз чиқиб эди, акахонларимиз бир нима ёзишган экан, илтимос, шуни шу сондан қолдирмай...»

Бирдан йўқ, деб бўлмайди. Майли, қолдириб кетинг, дейсиз. Ва, шу ондаёқ қўлга тушасиз: «Э, яшанг ака, бизда ҳам қолиб кетмас, хизмат-пизмат бўлса, тортинмай айтаверасиз...»

«Китобингизни ўқидим» деган рукнимиз бор. Яхши, ўқишли китоблар тўғрисида қисқа-қисқа ахборотларни шу рукнда бериб борамиз. Яхши асарларни тарғиб қиламиз, ўқишга даъват этамиз. Китобхонларнинг, китобшуносларнинг фикр-мулоҳазаларини ёритамиз. Муштарийларни китоб оламидаги янгиликлардан бохабар қилиб турамиз. Аммо «Китобингизни ўқий олмадим» деган рукн йўқ. Нега? Бунга журъатимиз етмайди. Одамнинг юзи иссиқ. Эрта-индин наҳорошда ё бошқа бир маъракада ёнма-ён ўтириб қоласиз. Бир лагандан таом ейишга тўғри келади. Бу ҳам майли, ўша, сизга ёқмаган, ўқиб бўлмайдиган китобнинг муаллифи яқин танишингизнинг яқин биродари, бирорта қадрдонингизнинг улфат жўраси бўлиши мумкин. Хўш, бунга нима дейсиз?

Алқисса, биз, сиз, ҳаммамиз жиммиз, анчадан бери жим турибмиз. Қайта-қайта ўқиладиган яхши китоблар деганда эслайдиганимиз бор: «Ўтган кунлар», «Бошсиз чавандоз», «Минг бир кеча», «Декамерон», «Шум бола»...

Ўқилмайдиган китоблар оқими эса асло сусаймаяпти...

